



Ishonch

Соҳибқирон Амир Темур шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси газетаси

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган



Ўзбекистон, сени куйлайман




Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан меҳнаткашлар ва ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишини ўстириш, билим ва истеъдодини бойитиш, бадий ҳаваскорлик жамоаларига кенг жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб «Ўзбекистон, сени куйлайман» аънаваный республика санъат фестивали ўтказилди.

Танловнинг кўйи босқичларида 23 мингдан зиёд ҳаваскор ижрочилар иштирок этди. Мазкур тадбир катта санъат байрамига айланиб, янги истеъдодларни кашф қилмоқда.

Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология, Таълим ва фан, Соғлиқни сақлаш ходимлари, Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Марказий кенгашлари томонидан фестивалга ишчи-ҳодимлар ҳамда ёшларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ғала концерт тарзида ўтказилган фестивал якунида иштирокчиларнинг барчаси диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Орузгул РУСТАМОВА
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



«Ташаббус — 2009» ғолиби

Анджонликларнинг гурунги яна бир мавзу билан бойиди. Президентимизнинг ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ташаббус — 2009» республика кўрик-танловида Анджон вилояти Хўжаобод туманидаги «Барчиной» хусусий корхонаси раҳбари Раҳимберди Раҳимов йилнинг энг яхши тадбиркори деб топилди. Унга «Матиз» автомобили топширилди.

Тадбиркорлар сардори

Дарҳақиқат, жорий йил тадбиркор Раҳимберди Раҳимов учун жуда омадли келди. У раҳбарлик қилаётган корхонада трикотаж буюмлари тикилади. Мазкур корхона Туркия, Россия, Германиядаги ҳамкорлар билан яқин алоқани йўлга қўйган. Шуниси қувончлики, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нафақат миқдори, сифати ҳам

ортиб бормоқда. 2007 йилда 360 миллион сўм соф даромад олинган бўлса, ўтган йили бу рақам 606 миллион сўмга етди.

Кўрик-танлов республикада фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни рағбатлантириб, уларга ўз билим ва маҳоратларини оширишлари ҳамда ўзаро тажриба алмашишларида ниҳоятда

қўл келмоқда, — дейди Р.Раҳимов. — Бу йил менга омад кулиб боқиб, «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб чиқдим. Бу мукофотга янги-янги иш ўринлари очиб, ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтириш билан жавоб берман.

(Махсус саҳифа давоми 2-бетда)

Кутлуғ сана

Миллат феноменини англаш



Валфажр нурларига юзини чайган кўклар одамлар кўнглига ёруғлик улашиш илинжида хусну жамолини кўз-кўз этаётган, унинг покиза нафаси теварак-атрофда ва қалбларда уфураётган тонг чоғи Амир Темур хиббонида йиғилганлар чехрасида ҳам қандайдир фахр ҳисси балқиб турарди. Тулпор устида ўзини адл тутганча олис-олисларга теран ниғоҳ солган соҳибқирондан гўё барчамиз куч олаётгандек эдик...

Бу сафар ҳам хибон Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 673 йиллиги муносабати билан йиғилган давлат ва жамоат арбоблари, фан, таълим ва маданият намояндалари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда талабалар билан гавжум бўлди. Айниқса, ёшларнинг соҳибқирон сифатларини санаб қизгин баҳсга киришганини кўриб, улуг аждодларга муносиб авлод бўлиш уларнинг асосий мақсади эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Соат 10⁰⁰ га занг урди. Тошкент шаҳар ҳокимияти, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Темирийўл тарихи давлат музейи ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирни жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб берди:

— Заминимизни бутун дунёга танитган Амир Темур ибн Тарагай Баҳодир билан ватандош эканлигимиз кишида фахр ҳиссини уйғотади. Юртимизни мўғул истибодидан халос қилган зукко сиевсатдон таваллудининг 673 йиллиги қадим ва ҳамisha навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи билан уланиб кетиши янада қувончлидир.

Сўзга чиккан жамоатчилик вакиллари ва чет эллик меҳмонлар соҳибқирон ҳақида гапираркан, аввало, унинг марказлашган давлат барпо этишдаги жасорати, халқларварлиги ҳамда бунёдкорлигига алоҳида урғу бердилар. Айниқса,

Германиянинг юртимиздаги фавқуллода ва мухтор элчиси Маттиас Майернинг нутқи йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди:

— Соҳибқирон Амир Темур Европанинг бирлашган қўшинлари энга олганга Султон Боязид қўшинлари устидан эришган ғалабаси туфайли Европа халқларини катта хавфдан халос этди. У зотни Европанинг кўнгина давлатлари, дарҳақиқат, ҳақли равишда ўз халоскори деб тан олади.

Тадбирда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев иштирок этди.

Тантана қатнашчилари соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

10⁰⁰. Темирийўл тарихи давлат музейи олдига карнай-сурнай садолари янграб, барчани бағрига чорлади. Таниқли этнографик-фолклор дастасининг чиқишлари йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди. У ерда

рақс тушаётган болаларнинг шодон кулгуси бу кун ҳақиқатдан ҳам миллат шодиенаси эканлигидан дарак беради.

10⁴⁰. Ижодий ишлари кўргазмаси — Темур ва темирийўллар давридан гувоҳлик берадиган суратлар ва бошқа буюмлар, умуман, қадриятлардан сўзлагувчи ижод намуналари ўша давр руҳи, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, турмуш тарзининг бир бўлган сифатида намойн бўлди.

11⁰⁰. Темирийўл тарихи давлат музейи мажлислар залида халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси, тарихчи-ю филолог олимлар ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти билан ҳамкорликда «Соҳибқирон Амир Темур улуглар қадриятлар ва истиқлол маънавияти» мавзусидаги давра суҳбати бошланди.

(Давоми 4-бетда)

Мусохаба

Орзуси ойдин кишиларнинг йўли ҳам ойдин

Отанг — бозор, онанг — бозор, деган гап бор. Бозорга ҳам ота-онага кўрсатилгани каби ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқлик, ота дуосидан барака топиб, она сuti каби ҳалол-пок яшамоқлик неча асрларки авлоддан авлодга ўтиб келади. Жаҳонни молиявий инқироз таҳликага солиб турган бир пайтда шаҳарқишлоқларимиздаги бозорларнинг тўқинлиги ва ён-атрофимиздаги кўни-кўшилларимизга нисбатан анча арзон эканлиги одамларимизнинг кенг фельлиги, инсоф чегарасидан чиқмаслиги ва саховатпешалиги билан чамбарчас боглик десак, асло муболага бўлмас керак.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид СОДИҚОВ билан суҳбатимиз ҳам юқорида зикр этганимиз фазилатлар

руҳини ўзида муҷассам этган бўлиб, унда асосан касба уюшмаларининг ўрни ва ролига алоҳида эътибор қаратилди.

— Утган асрнинг ўттизинчи йилларида Америкада «буюк депрессия» номини олган иқтисодий буҳрон юз берган бўлса, собиқ иттифоқда миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритган қаҳатчилик бўлганлигини ота-боболаримиздан эшитганимиз бор. Айтишларича, «тўқ чўзилади, оч узилди» деган ибора ўшанда пайдо бўлган экан. Орадан шунча йиллар ўтиб, АКШда ипотекали кредитлаш тизимида бошланган танглик бугунга келиб, жаҳон молиявий инқирозига сабаб бўлиб турибди. Барча мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ана шу ҳолатдан иложи борича

талофатсиз чиқиб олиш ҳаракати давом этмоқда.

Мирзохид Мирзахудовнинг, юзага келган ушбу вазиятда бутун фан-техника меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган касба уюшма органлари олдига қандай вазифалар турибди? Дастлабки ҳуқуқлардан келиб чиққан ҳолда бу йўналишда қандай чора-тадбирлар белгиланди ва қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Аввало, шунга айтишимиз лозимки, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишлаб чиқаришга бутунлай янгича ёндашуви, энг замонавий технологиялар асосида яратилган техника ускуналар билан қуролланишни ва албатта, ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан юксак самарадорликка эришишни тақозо этади. Бу эса, катта миқдордаги инвестициялар киритилиши билан бир қаторда, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга қодир бўлган омиқор ва ўз касбини лухта эгаллаган, бозор иқтисодиёти талабларини теран идрок этган, маҳсулот омор учун эмас, бозор учун ишлаб чиқарилишини тушуниб етган одамларнинг бир мақсад йўлидаги дадил саъй-ҳаракатини мувофиқлаштири билиш дегандир.

(Давоми 3-бетда)



ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоятида ўтган йили кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 72,3 фоизни ташкил этди. Бошқача айтганда, кичик бизнес субъектларининг sanoatдаги улуши 30,8, қишлоқ хўжалигида 99,9, қурилишда 88,8, чакана савдода 49,5, аҳолига пуллик хизматда 54,6, юк ташишда 38, йўловчи ташишда 97,6 фоизга тенг бўлди.

Интилганга толе ёр

Муносиб улуш

«Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида фаол қатнашиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналишида Жиззах шаҳридаги «Замонавий полимер қувур» МЧЖ раҳбари Файрат Сайдиев республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу бежиз эмас, албатта. 2008 йил бошидан маҳсулот бера бошлаган корхона ўз фаолиятининг дастлабки йилида 2 миллиард сўмлик ичимлик суви, табиий газ, канализация тармоқлари учун қувурлар, шунингдек, бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришди. Қунига 20 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона бугун тўла қувват билан ишлайпти. — Банкдан олинган 250 миллион сўмлик кредит корхонанинг оёққа туриб олишида мадад бўлди, — дейди жамият раҳбари Ф.Сайдиев. — Бугунга келиб Навоий, Олмалиқ тоғон металлургия комбинатлари, «Ўзтрансгазтехбутлаш», «Коммунтрансгаз», «Ўзкоммунтрансгаз», «Ўзкоммунхизмат» бош Агентлиги таркибидagi корхоналарга ҳам маҳсулот etkazиб бераёلمиз.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

КАШҚАДАРЁ

Қашқадарёда ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловида яккабонлик тадбиркор Эркин Тўхтаев голиб деб топилиб, республика босқичига йўлланма олди. Маҳсулотлар ярмаркасида воҳамизда ишлаб, юртига жўнаб кетаётган хитойлик мутахассис Фан Джан Вий шундай деди:

Эътироф

Хорижликлар ҳам қойил қолишди



— Халқингизнинг яратувчилик салоҳиятига қойил қолдим. Ўзбек хунармандлари қўлида жило топан осори атиқалар Буюк ипак йўли орқали Шарку Фарбога тарқалган. Бугунги кўргазма билан танишиб, ўзбек халқининг бунёдкорлик маҳоратига яна бир бор қойил қолдим.

Қалби ижодкорлик хисси билан тўлиб-тошган Эркин Тўхтаев раҳбарлик қилаётган «Турон бунёдкор» қурилиш инжиниринг компанияси бундан уч йил муқаддам ташкил топан. Яқкабоғ туманининг тоғли ва тоғ олди қишлоқларида ўз қурилиш материалларидан ўйлаб мактаб ҳамда касбхона коллежлари барпо этган, хориждан қўллаб техника ва механизмлар олиб келган ва бир йил давомида 1 миллион доллардан зиёд хизматлар экспортга эришган бу фидойий жамоанинг ибратли ишлариға нафақат қашқадарёликлар, балки кўрик-танловда иштирок этган хорижликлар ҳам қойил қолишди.

— Бош корхонамиз қурилиш-таъмирлаш юмушлари билан шуғулланувчи туртта хусусий фирмаларни бирлаштирган, — деди компания раҳбари Э.Тўхтаев. — Ҳозирги пайтда жамоамизда 310 та муҳим иш ўрни яратилган. Маъсумда уларнинг сони 1280 тадан ошди.

Моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги, қурувчиларнинг аҳил ва баҳамжхатлиги муваффақият келтирляпти. Бултур лизинг шартномалари асосида хориждан 446 миң АҚШ долларини миқдорда техника ва усқуналар келтирилди. Улар орасида минитехнологиялардан тортиб, оғир юк қўтарувчи автокранлар ва қудратли машиналаргача бор.

Айни кунларда қурувчилар янги коллеж биносини бунёд этиши, Қамаши ва Чироқчи пахта тозалаш заводларини реконструкция қилишда фаол қатнашмоқдалар. Ҳар бир иш аъло даражада, юқори сифатли қилиб адо этиляпти. Энг муҳими, иншоотларда ишлатилётган қурилиш материаллари компания корхоналарининг ўзида тайёрланмоқда.

Иззат ХИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

САМАРҚАНД

Энг яхши тадбиркор

Анъанавий тарзда ҳар йили Президент соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» танлови тадбиркорлар фаолиятига қўш қанот бўлди, десак хато қилмаймиз. Вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритган Жомбой туманидаги «Бахт» хусусий корхонаси бошлиғи Бахтиёр Мўсиновнинг қувончи чексиз.

Замон ишлаган, интилганники, дея бежизга айтилмаган. Энг шимариб, ҳам ўзининг, ҳам қишлоқдошларининг фойдасини ўйлаб қилинган амаллар ҳар қалай бесамар кетмади. — Қийинчиликлардан кўркиб, иккиланган киши кўп нарсани бой беради, — дейди тадбиркор. — Муҳи

ми, инсоннинг мақсадида эл манфати кўзланган бўлса, уни кўпнинг ўзи қўллайди. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўлидаги интилишларим муносиб тақдирланди. Ҳа, ишинг эътироф этилса, кўнглингда катта ишларга рағбат ва



Орзугул РУСТАМОВА, «Ishonch» мухбири

Тараққийётимиз байроқдорлари

ФАРҒОНА

Риштон чинниси

Риштон тупроғи нафақат унумли, «хамари» ёпишқоқ, эгилувчан, айнан шунинг учун ҳам чинни учун жуда мос.

Сухроб ака тадбиркор эмасми, шуларни ўйлаб, дарров корхона барпо қилиш йўли-йўриқларини ўргана бошлади. Аввало малакали мутахассислар билан маслаҳатлашди. Сўнг давлатдан кредит олиш, қоғоз ишлари...

дўкон пештахталарида туриб қолаётгани йўқ. Сифатли буюм ўз харидорини топяпти. Корхона даромади, ишчиларга яратилаётган шароитлар ҳам шунга яраша. 2008 йилда 15 хилдан ортиқ шарқона ва европақона усқуналардаги сервис тўпламлари яратилади. «Тумарис», «Наргис», «Қамола» сингари тўпламлар шулар жумласидандир.



Фахр

Шундай қилиб, 2007 йилда Риштон туманида SIMAX F+Z заводи қурилиши бошланиб кетди. Қува-сой, Тошкент, Фарғона шаҳарларидан донг чиқарган дизайнерлар, чиннисоз усталар заводга жалб қилинди. Маҳсулотлар дизайни хитойлик, европалик мутахассислар билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Яқинда бир гуруҳ завод ёшлари Хитой давлатидан энг замонавий чинни ишлаб чиқариш дастгоҳларини олиб келишди. Олти линияда чет эллик усталардан иш ўрганган Риштон ёшларининг бугун қўли-қўлига тегмайди. Ҳозирда корхонада 50 нафардан ортиқ маҳаллий йигит-қизлар наққошлик, дизайнерлик ва чиннисозлик техникасига боғлиқ ишлар билан банд. 2008 йилда корхонада минглаб жуфт сервислар ишлаб чиқарилди. Муҳими, маҳсулот

«Ташаббус — 2009» кўрик-танлови Фарғона вилояти босқичида SIMAX F+Z корхонаси директори Сухроб Исमतов «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

НАМАНҒАН



Изланиш ва самара

Бежирим, арзон, харидоргир

Иқтисодий ислохотлар интилувчан ва изланувчан халқимиз орасида кўплаб ишбилармонлар этишиб чиқши учун имкон тирмоқда. Наманган вилоятида бўлиб ўтган кўрик-танлов бунни яна бир қарра исботлади. Унда Равшанбек Мирзамаҳмудов етакчи бўлган кичик корхонада тайёрланган маҳсулотлар ўз сифати, харидоргирлиги билан кўпчилиكنинг эътиборини тортиди.

Бир сафар Андижон вилоятида мекмонда бўлганимда Наманганда қўли гул хунармандлар кўплиги, атласнинг тозаси-ю, пичоқнинг ўткири ва ипак толали қизлар дўпласи шу ерда серроблиги ҳақида сўз борарди. Меъзон кутилмаганда ўрнидан қўзғалиб, ичкарига кириб кетди ва чинакамига маҳорат билан тикилган костюм-шим кўтариб чиқди.

рингиз хунармандлари тайёрлашган бунни. Ичидаги ёрлигини кўринг. — Мен костюмни астойдил кўздан кечирдим. Ички чўнтак тепасига ёпиштирилган ёрлиққа «Замин Туркистон» деб ёзиб қўйилган эди.

— Мана бунни кўринг, — деди мёнга кўрсатиб. — Қалай? Ёқдимми? — Албатта, — дедим костюмни хавас билан кўздан кечирар эканман. — Вақти келиб бизничилар ҳам тикишда, шунақасини. Қайси мамлакатники? — Меъзон қулди. — Бизничилар тикишди. Айнан шах

лар формаси тайёрланди. Ҳаракатда — баракат, деганларидек, кичик корхона маҳсулотлари ўзининг бежиримлиги, арзонлиги билан харидорлар эътиборини тортиди. — Ўтган йили банкдан 226 миллион сўм кредит олиб, замонавий машина ва механизмларни ўрнатдик, — дейди Р.Мирзамаҳмудов. — Ишчиларимиз сони 40 нафардан ошди, улар кучи билан 210 миллион сўмлик костюм-шим тикиб, ички бозорга чиқардик. Сўнг эркаклар курткалари, палтоллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу эса қўшимча ишчи ўрни яратиши имконини бермоқда. Яқин орада корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хорижга экспорт қилишни йўлга қўймоқчимиз.

Ҳа, Равшанбек сингари тадбиркорлар бор экан, жонажон Ўзбекистонимиз жаҳонга доврўқ солавереди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири



Орзуси ойдин кишиларнинг йўли ҳам ойдин

(Боши 1-бетда)

Яқинда пойтахтимиздаги «Узэкс-марказ» мажмуида ўз ишини бошлаган озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ҳамда шу соҳада қўлланганидан янги технологияларнинг «World Food Uzbekistan — 2009» ва «Agro World Uzbekistan — 2009» халқаро иктисослашган кўргазмаларида тилга олинганидек, бутлур қишлоқ ҳўжалигида 4,5 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоиз ўсишга эришилганлиги кўп нарсани аниқлади. Бу ва бошқа ютуқлар мамлакатимизда амал қилаётган прагматик сиёсат натижаси ҳамдир. Давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олганлиги, қонун устуворлиги, ислохотларнинг босқичма-босқич ва вақтинчалик билан амалга оширилаётганлиги, энг муҳими, кучли ижтимоий сиёсат барча муваффақиятларимизнинг қафолати бўлмоқда.

Бутун жаҳонни ларзага солган кризис шароитида ҳам, агар эътибор қилган бўлсангиз, кенг аҳоли табақаларининг эртанги кунга бўлган ишончига заволят етмаганлигини кўрасиз. Ҳаёт аввалгича давом этмоқда, масала-муаммолар ҳам жиҳатлида ечимини топмоқда. Нафақат юзага қалқиб чиққан муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, яқин ва узоқ истиқболга қаратилган режалар ҳам белгилаб олинмоқда.

Албатта, вазият касба уюшмаларининг фаол иштирокини ҳам тақозо этади. Шу муносабат билан УзКУФК Раёсати «Узбекистон Республикаси Хукумати»нинг жаҳон иқтисодий кризисини оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурий бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ва табиийки, мақсуд қарор бажарилишини таъминлаш юзасидан шойиҳин чора-тадбирлар қабул қилиш, қўйи касба уюшма органлари ва етказиши ва жойларда амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ижро қилиб борилиши устидан назорат ўрнатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик, тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгаши, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Бугина эмас. Федерация кенгашида таркиб толган таълимга кўра, ҳар ойдининг 20-санасига ҳамда қўшма маълумотларни ҳисоботлар атрофида таҳлил қилиниб, муайян ҳулосалар чиқарилган ҳолда шу нуктада юзага келган вазиятга қараб чора-тадбирлар белгилашни ҳам кўзда тутилганки, бу шак-шубҳасиз давр билан ҳамнафас бўлиш, у ёки бу жараёнда фаол таъсир ўтказиш имконини беради.

— Шу пайтга ҳамма шартномалари ва тармоқ келишувлари ҳақида сўз юритилганда, ундаги айрим бандларда меҳнат қонунчилигида кўзда тутилганидан-да имтиёзлироқ шарт-шароитлар мустақамлаб қўйилганлигига алоҳида ургу бериб келинади. Жаҳон молиявий кризисини, ўз-ўзидан тушунарлики, касба уюшмаларини ҳам айрим масалаларда муносабатли нукта насаридан иш тутишга ундагани табиий. Улар асосан нималарда кўпроқ ўз ақсини топомқда?

— Баъзан қулқоқча қалинб қолади: нима эмши, фалончи кўйида ётган оддий миҳни ҳам энқайиб олиб, уйига ташмалайди... Бир қарашда гаиртабиий туулган бойнинг бу «томса ялар»лиги, аслини олганда, ибрат учун яқингина сабоқдир. Рост-да, оддий миҳ, хатто ундан ҳам арзимган нарсаси, нега энди ерда улоб бўлиб ётиши керак? Ноннинг ушогини ҳам нон дея қўзимизга суртамиз-ку ахир! Агар у ёғини сўрасангиз, пулнинг уволи тутишига бу жаҳон айвониди мисоллар кўп. Пулнинг энг қаттаси — тийин, деган гаплар беркорга айтилган.

УзКУФК Раёсат қароридидаги бутун бир банд қатъий тежамкорлик режими-

ни қўллашга бағишланган бўлиб, ушбуларга рию қилинишининг ўзиёқ жуда кўплаб маблагларини янада муҳимроқ юмушларга сарфланишига имкон яратади. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, касба уюшмалари тизимидаги барча ташкилотларда тежамкорлик ойларини ўтказиш, яъни, ягона молиявий сиёсат доирасидан чиқмаслик, электр энергияси, сув, коммунал харажатларни қайтариш, баъзи бир тадбирларга пул ўтказишни тўхтатиш, айтиш мумкинки, бизни касба уюшма бюджетидан янада оқилана фойдаланишга ўратади.

Муҳосибларимиз ҳисоблаб чиқиди. Электрон почта хизматига ўтиш ва оққозни тежаш аэвизига сарф-харажатларни 15 фоизга қайтаришга эришиш мумкин экан.

Бу — масаланинг бир томони. Лекин биз учун бош масала бундан кейин ҳам жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари бўлиб қолаверади. Ижтимоий жиҳатдан барқарор корхоналарда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қайтариш билан бир қаторда, банкротлик ёқасига келиб қолган ёки бўлмаси, у ёки бу ҳамкорларнинг айби билан дебитор қардорлик туфайли оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган жойларда, таъкидлаб ўтилганидек, муайян муддатга муносабатли кўчасини танлашнинг, ўйлашнинг, ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Ҳозир биз учун муҳими, бу мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва имконият туғилган ҳолларда янгиликларини яратишга эришиш. Бу эса вазиятга қараб иш тутишни ва албатта, иш бевуҷи билан икки томонлама манфаатли ижтимоий шериклик позициясини мунтазам равишда мустақамлаб боришга эътибор қаратишни тақозо этади.

— Дарҳақиқат, иш ўринлари ва касба уюшмалари эгизак тушунарлардир. Сабаби, иш ўрни яратилган жойда касба уюшмалари хизматига эҳтиёж туғилгани каби, касба уюшмаларининг куч-қудрати ва нуфузи ҳам иш ўринларининг барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Узбекистон касба уюшмаларининг 2009 йил учун ва истиқбол режаларида бандлик масаласи қай тахлит ифода этилган?

— Ҳамма нарсаси бекорчиликдан қайи чиқади. Буни дунё таърихи билан ҳам яқин биламиз. Буш вақтни кўнгилди ўтказиш йўлида кенг қўламада амалга оширилаётган сай-харажатлар замирида ҳам аслида ана шу мақсад эрибди.

Биз, одатда, ижтимоий ҳимоя ҳақида кўп гапираримиз. Ростдан ҳам бу жаҳонда тилга олса арзиғулик ютуқларимиз талай. Буни ўз наҳримиз — «Ishonch» ва «Ishonch—Доверие» газеталарида чоп этилаётган мақолалар руҳидан, қолаверса, касба уюшма органлари ва келатган миннатдорчилик хатларидан ҳам билиш мумкин. Лекин энг кучли ижтимоий ҳимоя, бу барибир муносиб иш ҳақи ва иш ўрнига эга бўлишдир.

Корхона, ташкилот, муассасаларда ишлаётган меҳнатқашларнинг иш жойлари қисқартирилишини қайтариш ва ички имкониятлардан қайи чиққан ҳолда уларнинг иш жойлари сақлаб қолинишига эришиш; ҳар бир минтақада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жойлардаги органлари билан ҳамкорликда янги иш ўринлари барпо этилишини назоратга олиш; жойларда ёлланма меҳнатга мўлжалланган барқарор янги иш ўринларини барпо этиш қўламини кенгайтириш...

Булар Узбекистон касба уюшмалари Федерацияси тадбирларидан айрим қайидлар. Қилиниши лозим бўлган ишлар ниҳоятда кўп. Меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган шахсларни қовлатирилган иш ўринларига жойлаштиришни назоратга олиш, қолаверса, иқтисодий инқироз туфайли чет эллардан қайи келатган ватандошларимизни иш билан

таъминлашни яқшилаш ҳам касба уюшмалари зиммасига катта масъулият юкломқда.

Аҳоли эҳтиёжини қондириш учун иқтисодиётнинг реал секториди, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнес субъектларини таъсис этиш ҳамда соғломлаштириш инфратузилмаси объектларини яратиш ҳисобига 2009-2010 йилларда 868 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун фақат касба уюшмалари маблаг ҳисобидан 1 миллиард 615 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган. Қасаначилик, чорвачилик ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига, айниқса, қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил этишга эътибор қайирилади.

— Дўст бўлсангиз вимда тур, дейилади. Чиндан-да касба уюшма аэвзолиги афзаллигини амалда исботлайдиган давр келди. Айтинг-чи, жойларда бу борада қандай ишларни амалга ошириш кўзда тутилган?

— 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига республика бўйича тармоқ касба уюшмалари маблагнинг тақсирлиги 30539 тани, касба уюшма аэвзолари сони 6489835 кишини ташкил этиди. Бу 2008 йил 1 январга нисбатан бошланғич ташкилотлар сони 4806 та, аэвзолар сони 95166 кишига ортаганидан далоят беради. Айниқса, иқтисодиётнинг оғир ва металлургия санаети, алоқа, ёқилғи-энергетика комплекси, темирйўл транспорти соҳалари, шунингдек, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш тизимида касба уюшма аэвзолари кўпайишига эришилганлигини кўзатиш мумкин.

Кейинги пайтда нодавлат сектори тизимида ижобий натижалар қўлга киритилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2009 йилнинг 1 мартига қадар республика бўйича жами 4818 та янги касба уюшма ташкилотлари тузилди, 211822 нафар киши касба уюшма аэвзолига жалб этилган, шулардан 299 таси цех касба уюшмаси ташкилотлари бўлиб, уларда 7060 нафар аэво мавжуд.

Кези келганда, касба уюшма аэвзоларини янги нуҳсадаги аэвзолик билетлари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан доимий мониторинг олиб борилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Авиация, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё санаети ва геология, Қурилиш ва қурилиш ашёлари санаети ходимлари, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмалари Марказий кенгаши, вилоят, туман бўғинлари томонидан тегишли ташкилий ишлар олиб борилиши натижасида маэкур тармоқлар касба уюшмалари аэвзолари тўлиқ, металлургия ва машинасозлик, соғлиқни сақлаш тармоқлари касба уюшмалари тизимида аэвзолар 85-90 фоиз миқдорда янги нуҳсадаги аэвзолик билетлари билан таъминланди.

Инсонга бахт келтириш — олий бахт. Айнан шу ҳимнатдаги касба уюшмалари учун ширга айлангани бежиз эмас. Ҳар йили, ҳар ой, ҳар ҳафта ва ҳар кун миғлаб, ёзлаб ва ўнлаб кишилар ишончли суянган тоғлари борлигини амалда ҳис қилмоқдалар. Қанчадан-қанча кўп болали, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар қўллаб-қувватланмади, қанчадан-қанча етим-ёсирларнинг боши силанмади дейсиз.

Бозор муносабатларининг ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидалари кўп. Ҳар бир нарсанинг ўз баҳоси бор. Ҳар қандай хизмат учун ҳақ тўлаш керак. Фақат касба уюшма органларидагина одамлар бепул юридик маслаҳат ва ёрдам олишлари мумкин. Ким ишдан ноқонуний бўшатилганлиги, ким иш ҳақи ўз вақтида берилмаганилиги, ким иш жойида жароҳатланиб ногирон бўлиб қолгани ҳолда тегишли товоқ пулини ололмаётганлиги ва ҳоказо ма-

салалар юзасидан муурожаат қилади.

Айнан шунинг учун ҳам йили касба уюшма ташкилотлари раислари, масъул ходимлари, айниқса, янги сайланган етакчилари УзКУФК ўқув марказига тақлиф қилиниб, уларга малака ошириш, таъриба алмашиш, янгиликлардан хабардор бўлиш имконияти яратиб берилмоқда. Агар бунга ойдининг охириг ҳафтасида жойларда ҳуқуқий этилаётганини қўшимча қиладиган бўлсақ, масала янада ойдинлашади.

Таъкидлаш жоизки, 2009 йил учун Федерация кенгашининг муҳим тадбирлари сифатида, хусусан, меҳнат муҳофазаси, штатлар қисқариши, иш шароитлари ва иш ҳақларининг ўзгариши жараёнда иш бевуҷилар томонидан қонунчиликка тўлиқ рию этилиши учун барча зарур чораларни қўриш кўзда тутилган бўлиб, шунингдек, ариза ва шикоятларнинг қўриб чиқилиши аҳолини мунтазам ўрганиб бориш, бу йўналишдаги қонунларнинг амалда бажарилишига эришиш ҳамма шикоят марказида бўлади.

— Ютуқ ва муваффақиятлар мураккаб ва машаққатларга бой синовдан ўтиб олиш аэвзига қўлга киритилади. Бунинг учун энг биринчи шарт — танланган йўлнинг тўғри эканлиги. Ҳар қандай ислохот нафақат ижро интизомини, шунингдек, вақти-вақти билан юзага қалқиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларга онгли муносабатда бўлишни тақозо этади. Шундай эмасми?

— Бугун биз «етти ўнлаб, бир кес», деган мақолани қанчалар тўғри эканлигини қўриб турибмиз. Айни кунларда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини, Узбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китоби ҳориждаги қўллаб етакчи иқтисодчилар, таҳлилчи ва экспертлар ўртасида катта қизиқиш уйғотганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг ўтиш давридаги ислохотларни назорат қилиши молиявий инқирознинг салбий оқибатлари олдини олиш имконини берганлигини эндиликда барча эътироф этмоқда.

Португалиянинг «Диару ле Нотисиаш» кундалик наشري иқтисодий таҳлилчиси Р. де Бокасташ ўз шарҳида Узбекистонда давлат томонидан иқтисодиёт меҳанизмлари ишлашининг самардорлигини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш борасида қабул қилинган тезкор чора-тадбирлар эътиборга молик эканлигини таъкидласа, Москвада чиқадиган «Экономическое обозрение» газетаси шарҳловчиси В.С.Москаленко: «Иқтисодиётнинг реал секторидидаги дастурий чора ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали Узбекистон раҳбарияти нафақат инқироз асоратларини юмшатиш, балки мамлакат компанияларининг халқаро бозордаги нуфузини янада ўқсатириш йўллари намоиш этмоқда», — дея ўз муносабатини билдирди.

Украина Миллий авиация университетининг Халқаро алоқалар институтида бўлиб ўтган китоб тақдимотида иқтисодиётни ислох қилишда давлатнинг ролига юқори баҳо берилиб, хатто Узбекистон таърибасини ўрганиш ва уни Украина шароитида қўллаш имкониятига алоҳида эътибор қаратилганлиги беихтиёр диққатни тортади. Зеро, инқироз асоратларини юмшатишга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш ва юзага қалқиб чиққан ҳар қандай масалаларга вазиим муносабатда бўлиш, онгли интизом ва ташаббускорлик уйғунлигига эришишда касба уюшмаларининг ўз ўрни борлиги кишида фахр-ифтихор туғилуларини уйғотади. Қалқон кучли оловда обдон тобланган пўлат зирҳи билан чинакам ҳимоя воситасига айланган каби касба уюшмалари учун ҳам ушбу синов палларайи хайрли яқун топишига ишончимиз қомил.

Сухбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

Тадбир

«Уздавтемирйўлнзорат» инспекциясида Республика Президентининг «Темир йўл тармоқларини 2009-2013 йилларда ривожлантириш ва модернизация қилишнинг комплекс программаси» тўғрисидаги Қарорининг бажарилишига бағишланган идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Идоралараро кенгаш иш бошлади

Унда «Узнефгаз» миллий холдинг компанияси, «Уздонмаҳсулот», «Узкимсанот», «Узавтойўл», «Узбекэнергия» давлат акциядорлик компаниялари, Навоий ва Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ҳамда ўз балансида темир йўл объектлари бор бошқа идора ва вазирликларнинг вакиллари қатнашди.

Йиғилишда режадаги ишларни амалга ошириш бўйича «Уздавтемирйўлнзорат» инспекцияси ходимлари иштирокида ишчи гуруҳини тузиш, ҳаракат таркибларини эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш, локомотив ва вагонлар борасида қўллаб тақлифлар ўртага ташланди.

А.ДАМИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Ҳомийлик ёрдами

Кам таъминланган оилалар

касба уюшмалари назоратида

Бозор иқтисодиёти баҳор ҳавосига ўхшайди. Ишинг ўришиб турса, сендан бой одамнинг ўзи йўқ. Буни ақси бўлса-чи? Бундай ҳолатда четдан берилган ҳомийлик ёрдамида кейинги ҳаётингни ўнглаб олишга мадад бўлади.

Узбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2009 йил 11 мартдаги қарорига асосан, республика темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Марказий кенгашига Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган 10 та кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш вазифаси топширилган эди.

Шундан қайи чиққан ҳолда Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига 7 миллион сўм миқдорда маблаг ўтказиб берилди. Қуни кеча Марказий кенгаш томонидан сотиб олинган қорамоллар кам таъминланган оилаларга топширилди ва эгаларига меҳнат дафтарчалари очилди.

Кам таъминланган оилаларни рағбатлантириш дастурига кўра, бундан бун ҳам хайрия ишлари давом эттирилади.

Н.РАФИКОВ



Истеъдоддилар маскани

Юнусобод туманида жойлашган 17-ихтисослаштирилган умумий таълим мактабида бугунги кунда 1720 нафар ўқувчи сабоқ оломқда. Замонавий фан кабинетлари, 2 та спорт ва тантаналар зали ўқувчилар ихтиёрида. Бир неча йилдан бун дарслар инглиз тилида чуқурлаштирилган дастур асосида олиб бориломқда. Мактабга Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил августдаги 173-қарорига асосан давлат ихтисослаштирилган умумий таълим мактаби мақоми берилган.

Айни пайтда 98 нафар малакали ўқитувчи ёшларга таълим бериб келмоқда. Улардан 1 нафари «Дўстлик» орден, 18 нафари «Халқ таълими аълочиси», 1 нафари «Узбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони билан тақдирланган. Ўқитувчилар дарсларида электрон дарсликлар ва «Ziyounet» тармоғида эълон қилинган илгор иш таърибаларидан унумли фойдаланиб келишмоқда. Бу услуб эса самарасини берапти. Мактаб ўқувчилари бир неча йилдан бун туман, шаҳар ва республика фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Мисол учун, иқтидорли ўқувчи Лазиза Мақсудова имтиёзли равишда жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига қабул қилинди. Мактабнинг «Фемиди» жамоаси эса «Сиз қонунни биласизми?» танловининг республика босқичида голибликни қўлга киритди.

Ўқувчилар «School time» ва «Teenager» газеталари орқали 1999 йилдан бун мактаб ҳаётини инглиз тилида ёришиб келади. Ҳозирги кунда мактаб жамоаси Францияда бўлиб ўтадиган «Луи Франсуа» расмлар танловига тайёргарлик кўрмоқда. Илгор ўқитувчилар ҳар йили Буюк Британия, Миср, Германия, Хитой, Австралия ва Япония каби давлатларда ташкил этилаётган халқаро конференция ва фестивалларда муносиб қатнашиб келмоқда.

Ўқувчилар мактабни ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этади. Мактабни гулзорга айлантириш ҳар бир ўқувчининг мақсадига айланган. Уларнинг ташаббуси билан «Битирувчилар боғи», «ЮНЕСКО боғи» ташкил этилган.

Мактабда спортнинг ривожига ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Бу ёрда спорт билан шугулланувчилар кўпчилики ташкил этади.

Ҳар бир юртинг келажаги таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бу борада мамлакатимизда қандай ишлар олиб борилаётганини ушбу мактаб мисолида қўриш мумкин.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» муҳбири

Касба уюшмалари ҳаёти

Асакадаги автомобилсозлик корхонасининг ишга туширилиши миғлаб янги иш ўринларини вужудга келтириш билан бирга, мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Локализация (маҳаллийлаштириш) дастури бўйича яна ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият олиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол, албатта. Кези келганда, ушбу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси ҳавас қиларли даражада эканлигини эътироф этиш жоиз. «Узметмашсанот» касба уюшмаси Андижон вилояти раислар кенгашининг раиси Баҳромжон Курбоновдан жамоа шартномаларининг бажарилиши, олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик:

— Ҳар бир инсон ўз фаолиятини доимо сарҳисоб қилиб турмоғи лозим. Бу, айниқса, ташкилот раҳбари, касба уюшма етакчисига сув билан ҳаводек зарур.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ишимизни қишлоқларда истиқомат қилувчи касба уюшма аэвзоларини, биринчи навбатда, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратишдан бошладик. Тармоқдаги коллежлар ўқувчилари билан ижодкорлар учрашуви қизиқарли кенди. Режага кўра, 5 та коллежнинг маънавий хоналарига 1 млн. сўмликдан зиёд бадий, сиёсий адабиёт ва плакатлар сотиб олинди. Шу йилнинг 1 мартдан 1 декабрига қадар корхона, ташкилот, ўқув муассасалари маънавият-маърифат хоналари ўртасида кўрик-танлов ўтказилади. Кам таъминланган, кўп болали, ҳимояга муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 2 млн. сўмдан кўпроқ маблаг ажратилиш кўзда тутилган. Касба уюшма аэвзоларидан 220 на-

Манфаатдорлик

жамоа шартномалари орқали тартибга солинади



фари санаторийларга имтиёзли йўллана билан таъминланди, 1000 нафардан ортқ бола ёзи оромгоҳларда дам олдирилади.

— Ишчи-ходимнинг манфаатини жамоа шартномалари орқали тартибга солиш жуда муҳим. Айтинг-чи, асосий норматив ҳужжат — жамоа шартномаларининг бажарилиши қай йўсинда амалга оширилмоқда?

— Аввало, ўтган йил сарҳисобига тўхталиб ўтсам. Сафимизда 44 та бошланғич ташкилот ва 20 миғдан зиёд аэвзолари барилаштирилган. Айтиш жоизки, Ешлар йили режасини юз фоиз амалга

оширдик. Тармоқ касба уюшма ташкилотлари томонидан 33,6 млн. сўм маблаг сарфланди. Асосий эътибор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-

чи ўринга қўйилиб, жамоа шартномаларига жиддий эътибор қаратдик. Ундан ёш оилаларни қўллаш, аёллар учун бир қатор имтиёзлар жорий қилиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш каби масалалар ўрин олди.

Иш бевуҷилар билан ижтимоий шерикчилик асосида ўрнатилган ҳамкорлик натижаси ўларок, касба уюшмаси нуфузи янада ортди. Сарфланган маблаг ҳар бир ишловчи учун ўртача 248508 сўмини ташкил қилди.

Бу йилги режаларимиз яна ҳам улуг. — Бугун дунёда молиявий инқироз ҳукм сурмоқда.

Сухбатдош: Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Кутлуғ сана



(Боши 1-бетда)

Давра суҳбатини олиб борган Муҳаммад Али соҳибқироннинг ҳамиша бунёдкорлик ва тинчлик тарафдори бўлганини яна бир бор таъкидлади: — Хар бир миллат руҳи, дунёқарashi ва характерини ўзида ифодалаган феномен шахслар бўлади. Соҳибқирон Амир Темуру — миллатимизнинг ана шундай феномени. Ул зот ҳамиша тинчлик тарафдори бўлган, урушни биринчи бўлиб бошламаган. Шундай вазиятлар бўлганки, урушнинг олдини олиш учун қудда-андачиликни йўлга қўйган. У зотнинг жуда мохирона дипломатик сийёсати, ҳарбий санъати, ҳамиша дин ва маънавиятни биринчи ўринга қўйиши, иқтисодий ислохотлари — ҳамма-ҳаммаси унинг сийёсатида нақадар Катта Шахс мужассамлигидан дарак беради.

Бугунги суҳбатимиз расмийликдан бутунлай холи. Бу ерга қўнғилдаги гапларни бир-биримизга айтиш, биз кимнинг авлодлари эканлигимизни яна бир бор англаш учун йирилганмиз. Кези келганда, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳририятига ушбу давра суҳбатини уюштиришга яқиндан ёрдам берганлиги ва ижодий ҳамкорликка рози бўлганлиги учун барчангиз номидан раҳмат айтишга ижозат бергайсизлар. Сўнг сўз навабати давра суҳбати иштирокчиларига берилди.



Миллат

Феноменини англаш



Абдулла Орипов, Ўзбекистон Қажрамони, Ўзбекистон Республикаси раиси:

— Миллатимизнинг абадий фахри бўлмиш улуг бобомизнинг таваққули билан барчаларингизни яна бир бор таъкидлайман. Биз ҳамиша хар бир масалада соҳибқирон ҳазратларига гойибона муносабат қиламиз, у зотдан кувват оламиз. Бугун ҳам улуг бобомизнинг беъмисл салоҳияти ва миллатимиз тарихида тугган бекиёб ўрни борасида тарихий-бадий ва илмий асарлар ёзилмоқда, чоп этилмоқда.

Бобомиз номини абадийлаштириш борасида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида салмоқли ишлар қилинди. Мана, ҳайкаллар, музейлар, хиёбонлар... Ҳамма-ҳаммаси ажойиб. Илгарироқ Қашқадарё ҳокими билан соҳибқирон ҳазратлари дунёга келган Ҳўжайилроқ кишлоғи ёнидан ўтаётган, «Шу ерда бир белги қўйилса, ахир бу қишлоқ у зотнинг киндик қони тўқилган гўша-ку!» деган фикр пайдо бўлди ва бугун бу борада ҳам тадбирлар режалаштирилмоқда.

Боя эрталабки тадбирда Германия элчисининг тарихий факт ва далиллар билан Амир Темуру ҳазратларини Европанинг халоскори сифатида эътироф этиши — катта гап. Чунки дунё миқёсида ҳозир ҳам ул зотнинг шаънига тухмат уюштирувчилар топилади. Амир Темуру бобомиз шаънига айтилган бундай бўхтонлар миллатимиз орига тегиш бўлади. Масалан, Колесников деган одамнинг қиссаси эълон қилинди. Унда галати гаплар, таъбир жоиз бўлса, соҳибқирон шаънига нисбатан курақда турмайди деган сўзлар бор. Яна ўша одам асарини эълон қилибгина қолмай, Ташки ишлар вазирлиги орқали бизга ҳам юборибди.

Биз ўша Колесниковга ҳатто жавоб беришни ҳам эп кўрмадик. Соҳибқирон сиймоси тасаввурга сиймайди даражада кенг ва буюк. Унинг шон-шўҳратини тиклаш борасида мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ байроқ кўтарилди ва у ҳеч қачон эгилмайди.




Шабат Хўҗаев, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, Нью-Йорк фанлар академияси академиги:

— Албатта, Абдуллақон таъкидлагани сингари соҳибқирон бобомиз — миллатимиз тарихининг ёрқин саҳифаси. Халқимиз кўп зўравонлик ва истилоларни кўрган. Айнан Темуру ва теурийлар давридагина миллатимиз қаддини тик кўтариб яшадим.

Соҳибқироннинг «ташки душмандан кўра ички душманнинг хавфи кўпроқ» деган сўзлари бугун ҳам ҳаётда ўз исботини топмоқда. Кунча кеча улуг бобомизга четдагиларга қараганда ўзимизнинг орамиздаги «кадр»лар кўпроқ қарши турмадимиз. «Зафарнома», «Темуру тузуқлари»га, соҳибқирон шахсига янча қўра доғлар чапланди.

Амир Темурунинг яратувчилик салоҳияти, илм-фаннинг қадрига етиши, борган жойидан мохир усталару санъаткорларни Самарқандга, Кешга жўнатиши — ўз ватанининг нафақат иқтисодий-сийёсий, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳаммадан устун бўлишини ниёт қилганлиги, шу йўлда салмоқли иш олиб борганлиги ибратлидир. Амир Темуруни феномен дейишяпти, менимча, у зотнинг дунёга келиши — мўъжиза. Қамрови шу даражада беъмисл мўъжизаки, унинг сарҳадида Улугбек, Навоий, Бобур сингари катта ходисалар ҳам тааллуқлидир.



Қозокбой Йўлдош, профессор:

лашга уринилганда соҳибқирон томонидан битилган «Тузуқлар» энг кўп ва ишончли материал беради. Бу асарда улуг жаҳонгир ўз салтанатининг ҳуқуқий, сийёсий, иқтисодий ва маънавий асосларини белгилаб беради. Ўткир ҳаётий эҳтиёж натижаси ўлароқ яратилган «Тузуқлар»да Темурубек ўз давлати асосларини тайин этишда таянган бош қадриятларни алоҳида кўрсатади: «...билдимки, давлат агар дину тартиб асосига қуриласан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. ...мен салтанатим бинуюсини ислом дини, тўра ва тузуқ асосида мустақкамладим. Салтанатимни бошқаришимда урлаган хар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузуқ асосида идора этдим». У ҳокимиятни юртишда узининг истакларидан юқорироқ турайдиган, хар қандай ҳукмдор ҳам бўлсануниш, амал қилиши лозим бўлган қандайдир қадриятлар тизими бўлиши кераклигини ўткир ақли билан англайди ва тўра-тузуқ, яъни қонун-қонидани шундай қадрият сифатида белгилайди.




Дилором ЮСУПОВА, ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори:

— Бу ердаги фикрлар бир жиҳатни тасдиқ этаётир: соҳибқирон хар томонлама мукамалликка интилган шахсдир. Ҳозирги кунда Темуру ва теурийлар даври кўп ўрганилаётир. Ўша даврга оид кўпгина асарлар ўзбек ва рус тилларига ўғирилган. Аммо соҳибқирон даврида фан тараққиёти қай даражада эди? Саройда қайси мутахассисликларга кўпроқ эътибор берилган? Таълим қай даражада йўлга қўйилган? Бу борада билимимиз ҳали етарли эмас. Демак, айнан шу даврдаги фан тараққиёти борасида ҳали кўп тадқиқотлар олиб бориш лозим.



Насимхон РАХМОНОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Амир Темуру шахсияти маданий ҳаёт ривож учун муҳим омиллардан бири бўлди. Жумладан, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафос» асариде Амир Темурунинг гоят нозик таъб бўлгани, шеърни яхши тушунигани эътироф этади. Бунини «Темуру тузуқлари»даги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. «Темуру тузуқлари»да айтилишича, у илм аҳлига, дин билимдонларига, қиссахонларга алоҳида эътибор бериб, ўзига яқинлаштирган ва бундан кўп манфаатдор бўлган.



Дилором БОБОЖОНОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор:

— Албатта, соҳибқирон бобомизнинг ҳали бизга номаълум бўлган қирралари кўп. Улуг саркарда ҳақида жуда кўп тилларда асарлар ёзилган. Аммо уларнинг кўпи ҳали хануз ўзбек тилига ўғирилгани йўқ.

ликлар воситасида ҳам хабардор бўлишингиз мумкин.



Адҳамбек АЛИМБЕКОВ, ЎзМУ доценти:

— Амир Темуру ва истиқлол маънавияти ҳақида сўз кетганда соҳибқироннинг ўрнатилган жиҳатлари анчаллигини ни алоҳида таъкидлаш даркор. Аввало, Амир Темуру нима қилган бўлса, ватан манфаатидан келиб чиқиб қилган.

Чет элларда соҳибқирон тўғрисида кўпбал илмий ва бадий асарлар ёзилган, ёзилапти ҳам. Мана шундай китобларни таржима қилиб халқимизга етказишимиз керак. Бу нашрларнинг асариятида Амир Темурунинг улғуворлиги, бунёдкорлиги хусусида фикрлар айтилган. Қайсики нотиғри қарашлар бўлган бўлса, олимларимиз илмий манбаларга, тарихий фактларга суянган ҳолда муносиб жавоб бериши даркор. Бунинг учун бизнинг олимларда илмий салоҳият етарли даражада деб ўйлайман. Амир Темуру ҳақида доимий илмий конференциялар ўтказиш, йиллик алманахлар чоп этиш, «Соҳибқирон юлдузи» газетаси нашрини тиклаш зарур. Олий ўқув юртиларида Амир Темуру даврига оид махсус курслар ўқиш режаларини кенгайтириш ҳам фойдадан холи бўлмасди.



Тўлқун ХАЙИТ, Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири:

— Соҳибқирон бобомиз ҳеч қандай мактовга муҳтож эмас, аммо «куч — адолат», «чақалоқларни йиғламангиз, бу гуноҳи азим эрур» деб айтган буюк зот ҳақида хар доим бир яхши сўз айтиш мумкин.

Биз учун, айниқса, у билан қарийб ўттиз беш кун юзма-юз суҳбатда бўлган Ибн Халдуунинг «Бутун дунё тарихи» асарида берилган баҳо жуда ибратлидир. Олим уни юксак идрокли, савияси баланд, илм-фан одамларини кадрловчи, ҳарбий тарих соҳасининг билимдон сифатида эътироф этади. Фикримизни давом эттириб, Амир Темуру «Тузуқлар»ига муносабат қилсак, фикрлар янада ойдинлаша бошлайди. Бу ўринда шун таъкидлаш керакики, бобомиз салтанатининг ижтимоий-сийёсий тизимини яратишда ўтмиш таърихларига таянган бўлса-да, аммо уларни тўғридан-тўғри кўчирмади, чунки бундай ёндашувар хар қандай янги давлат учун хавфли эканлигини у зот яхши биларди. Шу боис ҳам соҳибқирон ўз даврига яратилган давлатчилик қонуниятларини сифатида шаклланган саккиз асосни яна бир муҳим тўққизинчиси билан тўлдирганки, бу асос жамят ривожиде барча ижтимоий табакалар фаолиятини назарда тутиш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эди. Тўққизинчи тамойилнинг ўзида бунинг тасдиқини топамиз: «раият ахволидан огоҳ бўлдим, улларни оға, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим», — дейди у. Ҳиндистонлик Сатиш Сандра: «Амир Темуру амалга оширган буюк ишлардан бири эркин ва цивилизация институти сифатидаги давлатчилик госсини асослаш ва уни ҳимоя қилиш бўлган», — деб ёзган. Кўриниб турибдики, унинг давлатида адолат билан инсоф бош омиллардан бири саналган.



Қосимжон СОДИКОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Темурийлар даври маданияти, ижтимоий-сийёсий ҳаётида, туркий адабиёт ва ада-

бий тилнинг такомили, туркий матнчиликнинг ривожиде туркий-уйғур ёзувининг улуши катта бўлди. Қадимги турк ёзуви аънанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам теурийлар эди. Темуру ўз давлатининг расмий ишларида, ички ҳамда халқаро дипломатик муносабатларда, бадий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида уйғур хатининг кенг амал қилишига хайроҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Теурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма тилнинг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юртувчи расмий ёзувиге айланди. Мухими, ўша кезларда уйғур хатининг мактеби араб ёзувидан оз эмасди.

Темуру кўзи тирикчилигида ўз тузуқлари, ёрликлари, керакли битикларини уйғур хатида ёздирган. Улардан бири ўз даврининг улуг обидаси сифатида тарихда қолган. Темурубек етти юз тўқсон учинчи йилнинг кўклагиде (1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриш бошлади ва бу хусусда хотира қолдириқ истагида тошга битик ёздирди. Маъруз битиктош Улугтоғдаги (Шимолий Қозғистон) Қарсақбай қони яқинидан, ўрнатилган жойидан топилган. Ҳозир Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейининг Урта Осиё халқлари санъати ва маданияти бўлимида сақланмоқда.

14 — 15-асрларда Мовароуннахр ва Хуросон эллариде уйғур хатида битувчи хатлотларнинг уч йирик мактаби — Язд, Ҳирот ва Самарқанд мактаби довруқ қозонган эди.



Шоҳиста УЛҲАЕВА, тарих фанлари доктори:


— Ҳозир соҳибқирон ҳақидаги асарларнинг электрон вариантлари тайёрланиши ҳақида яхши бир янгликни эшитдик. Бу жуда муҳим. Чунки, боя айтилганидек, дунё миқёсида улуг бобомизга нисбатан тухмат тошлари отилишининг яна бир сабаби — халқаро миқёсда ҳали етарли даражада, замонавий технологиялар асосида соҳибқирон ҳазратлари ҳақида маълумот бера олмадик. Масалан, ўзим интернет сайтларига кириб кўрдим: кўпи — эскича қарашлар, нотўғри маълумотлар. Модомки, гоёга қарши гоё билан курашар эканмиз, ўша сайтларга ҳам жавоб бера оладиган даражада етмоғимиз лозим.

Қудратулла ОМОНОВ, филология фанлари номзоди, доцент:

— Соҳибқирон ва теурийлар давлат ишларида хужжатларнинг расмийлаштирилишига алоҳида ургу берган. Расмий хужжатларнинг ҳақиқийлиги «тамға», «муҳр», «нишон»лар билан қонунийлаштирилган. Ўша замонларда расмий ишларда қўлланган муҳр-тамғаларнинг кўриниши бир неча хил — доира бичимли, бодом бичимли ёки уч, тўрт, олти, саккиз бурчакли бўлган. Уларнинг орасида тўрт бурчаклилари кўпроқ тарқалган. Бундай муҳр-тамғаларнинг классик намуналарини теурийлар даври хужжатчилигида учратамиз. Улар «чорсу муҳр» дейилган.

14 — 15-асрларда тўртбурчак муҳр-тамғадан асосан ҳукмдорнинг олий даражадаги буйруқлари ва қўшни элларга йўлланган хатларни расмий-

лаштириш, тасдиқлашда фойдаланилган.



Исомжон ЁҚУБОВ, филология фанлари номзоди, доцент:

— Амир Темуру обробида ифода этилган бадий асарларнинг мазмунини истиқлол даврининг маданий тафаккури билан боғлиқликда таҳлил этишни янада жонлантириш бугунги адабий жараённинг муҳим муаммоларидан биридир.

Бу мавзуга муҳаббати йиллар давомида кучайиб, маънавий-руҳий дунёсининг ажралмас бир қисмига айланиб борган ижодкорларимиз ҳам бор. Жумладан, П.Қодировнинг «Юлдузи тунлар», «Авлодлар довоғи», «Она лочин видоси», Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур», «Амир Темуру чамани», «Сарбадорлар», «Улуг салтанат» китоблари мисолида қараганимизда ҳам муаллифларнинг мавзуга бўлган узоқ йиллик муҳаббатини кўриш мумкин.

Муаммолардан яна бири жаҳон адабиётида Амир Темуру ҳақида яратилган 1500 га яқин асарнинг моҳиятини миллий адабиётимизга, бадий-эстетик тафаккуримизга таъсири нуқта назаридан бағрикенглик билан ўрганишидир.

Исомиддин АБДИРАИМОВ, Халқаро Амир Темуру жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари:

— Ушбу давра суҳбатида жамғармаимизни Урта Осиёдаги йирик илмий тадқиқот марказига айлантириш ва Амир Темуру кутубхонасини ташкил қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни кўллаб-қувватлайман. Ҳозир Амир Темуру фаолиятини ўрганиётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда, бу жуда қувонарли. Аммо бундай тарқоқ ҳолдаги тадқиқотлар бошқарилиши зарур. Республикада олиб борилаётган илмий-ижодий ишлар илмий-техник ва инновация дастурлари доирасида давлат буюртмаси мақоми берилган ҳолда мувофиқлаштирилиши бугунги кун талабидир.

Абдухалик АБДУРАЗЗОҚОВ, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррири:

— Бу ерда айтилган гаплардан англашилаптики, давра суҳбатидан қўзланган мақсадга эришилди. Айниқса, филолог ва тарихчи олимларнинг бу ҳамкорлигини матбуотимиз орқали ҳам кўришни истардик. Шунинг учун барчаларингизни газетамиз билан ижодий ҳамкорлик қилишга чорлаб қоламан.

— Барчангизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар. — дея давра суҳбатини якунлади Халқаро Амир Темуру хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али. — Бу каби мулоқотлар барча учун фойдалидир. Уйлайманки, кейинчалик ҳам ушбу даврамиз янада кенгайиб бораверади.

12³⁰ да тадбир иштирокчилари учун музей экспозиция ва кўргазмаларига экскурсия уюштирилди. Барча яна бир бор соҳибқирон даври нафасини туйгандек бўлди.

Темурийлар тарихи давлат музейидан чиқар эканмиз, бу гўшага йилда неча бор келганимизни ўйлаб кўрдик. Сўнг музейга келиш ёки тарих дарсликларини ўрганиш ёхуд тўртта одам йирилган жойда у зотнинг авлоди эканлик билан фахрланиш билангина ҳали ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, асосийси — миллат қаддини тиклиги, руҳининг тирикчилиги, алҳол унинг бошқа халқлар қаторида бошини мағрур тутиб туриши йўлидаги шундай улуг ишларни муносиб давом эттириш эканлигини англагандай бўлдик.

Умид ЯҚУБОВ, Акмал ТОШЕВ. «Ishonch» мухбирлари Икром ХАСАНОВ олган суратлар

ИШОНЧ НАФ ДОВЕРИЕ
O.K.C.F. F.T.C.U.
O'ZBEKISTON

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'onlar 256-03-90

Manzilimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova

Navbatchi:

A. Abdullayev

Musahhih:

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi:
H.Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasnasida chop etiladi.

Korxonalar manzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 01.35

Buyurtma G — 314

18600 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6